

**ХАРБИЙ МУТАХАССИСНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ЎРГАНИШДА, ХУЛОСАЛАР  
БЕРИШДА, ХАРБИЙ-ИХТИСОСЛИК СИФАТЛАРИ ТОПИШ ВА ТҮФРИ  
ЙЎНАЛТИРИШДА ПРОЕКТИВ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Тилавов Б.А.**

Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти Гуманитар фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6983660>

**Аннотация.** Мақола мазмунида ҳарбий хизматчи ва ҳарбий жамоаларни ўрганишида психодиагностик усуллардан фойдаланиши тўғрисида илмий асослар келтирилган. Ҳарбий психолог фаолияти давомида қўлланадиган тестлар, айниқса ностандарт проектив тестлардан фойдаланиши афзаликлари баён этилган. Турли характерли проектив тестларнинг ҳарбий хизматчиларни ўрганишидаги муҳимлилиги ёритилган. Ҳарбий психодиагностиканинг ютуқларидан ҳарбий касбга танлов ўтказшида қўллаши мақсадга мувофиқлиги илмий асослаб берилган.

**Калим сўзлар:** тест, интеллект тестлар, проектив тест, интроверсия-экстроверсия, психодиагностика, классификация, ҳарбий психолог, ҳарбий жамоалар.

**ЗНАЧЕНИЕ ПРОЕКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОМ  
ИССЛЕДОВАНИИ ВОЕННОГО СПЕЦИАЛИСТА, В ВЫВОДАХ, В  
НАХОЖДЕНИИ КАЧЕСТВ ВОЕННОЙ СПЕЦИАЛЬНОСТИ И В ПРАВИЛЬНОМ  
НАПРАВЛЕНИИ**

**Аннотация.** В статье дается научное обоснование использования психодиагностических методов при исследовании военнослужащих и воинских коллективов. Описаны преимущества использования тестов, особенно нестандартных проективных тестов, применяемых в деятельности военного психолога. Изложено значение различных видов проективных тестов в обучении военнослужащих. Одним из достижений военной психодиагностики является научная целесообразность ее использования при отборе военнослужащих.

**Ключевые слова:** тест, интеллектуальные тесты, проективный тест, интроверсия-экстраверсия, психодиагностика, классификация, военный психолог, воинские коллективы.

**THE VALUE OF PROJECTIVE METHODS IN THE PSYCHODIAGNOSTIC STUDY  
OF A MILITARY SPECIALIST, IN CONCLUSIONS, IN FINDING THE QUALITIES  
OF A MILITARY SPECIALTY AND IN THE RIGHT DIRECTION**

**Abstract.** The article provides a scientific rationale for the use of psychodiagnostic methods in the study of military personnel and military teams. The advantages of using tests are described, especially non-standard projective tests used in the activities of a military psychologist. The significance of various types of projective tests in the training of military personnel is outlined. One of the achievements of military psychodiagnostics is the scientific expediency of its use in the selection of servicemen.

**Keywords:** test, intellectual tests, projective test, introversions-extroversion, psychodiagnostics, classification, military psychologist, military teams.

**КИРИШ**

Мавзунинг долзарбилиги шундан иборатки, бугунги кунда ҳарбий хизматчи шахсини, ҳарбий жамоаларни ўрганиш тобора мураккаб ва меҳнат талаб иш бўлиб қолмоқда. Албатта барча соҳалардаги талабларнинг ошиб бораётгани каби, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий сифатлари ва касбий тайёргарлигига жанговар тайёргарлигига талаблар ортиб бормоқда. Уларни ҳарбий жамоада нисбатан қисқа вақт бўлиши, маънавий қизиқишлар ортиши, умуммаданий, жанговар тайёргарлик қўламиининг ошиши ва умумтаълим савиясининг ўсиши билан изоҳласак бўлади. Бундай шароитда энг аввало, ҳарбий хизматчиларни ва ҳарбий жамоани ўрганиш услубиятини, офицерларнинг тегишли касбий малака, қўникма ва касбий сифатларини ривожлантириш зарурати билан боғласак бўлади. Бу масалада ҳарбий психологияда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоани ўрганиш усуллари, турли психологик тестларнинг ўрни бекиёсdir.

Психология фанларининг интеграллашуви, интенсивлашуви натижасида тестларнинг ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келаётганлигини гувоҳи бўляпмиз. Шу қаторда ҳарбий хизматчилар ҳаётида ҳам кенг тарзда ёйилмоқда. Бугунги кунда ҳарбий хизматчи шахси хусусиятларини текширувчи тестлар ҳарбий хизматчининг мулоқот фаолиятидаги ўзига хослигини, мулоқот малакаларининг бор-йўқлигини синовчи, ҳарбий хизматчининг ақлий сифатларини текширувчи ва бошқа тестлар оммавий тарзда қўлланилмоқда. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, тестни тузиш, уни объектларда синовдан ўтказиш, ҳаттоқи, тайёр тестни мослаштириш ҳарбий психологдан юксак билимларни, малакани, юқори интеллектни талаб қиласидиган ишdir.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тест (инг. test – синаш, текшириш) (психологияда) – шахснинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг бошқа руҳий хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт машқлар [1] саналади.

Ҳарбий психологик амалиётда тест ҳарбий хизматчининг қандай мутахассисликни эгаллаши мумкинлиги, касбга лаёқати ёки лаёқатсизлигини, қобилияти, истеъоди ёки ақлий даражасини аниқлашда, ушбу фаолиятга шахсларни саралашда қўлланилади. Тест ёрдамида текширилувчиларнинг маҳорати, қизиқиши, тўпланган амалий маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилик кўрсаткичи бир неча мезонларга асосланиб таҳлил қилинади. Тестнинг назарий асосларини инглиз психологи Франсис Гальтон (1822-1911) ишлаб чиқсан (1883). “Тест” атамасини биринчи марта американлик психолог Жеймс Кэттелл (1860-1944) қўллаган (1890).

Даврлар ўтиши билан тестлар ривожланиб ўзига хос тарзда турларга бўлинib кетди. Ҳозирги даврда фанда тестларнинг ўзига хос турлари мавжуд бўлиб, улар тегишли соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда (1-расм).

Тестлар сўров шаклида ёки топшириқ шаклида бўлиши мумкин. Сўров шакли олдиндан қабул қилинган саволларга жавоб беришни қатъий тарзда талаб этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия – экстроверсияни ўлчайди, саволларга “ҳа” ёки “йўқ” тарзида жавоб бериш талаб этилади [2]. Топшириқ шакли эса ҳарбий хизматчининг хулқ-атворини, психик ҳолатини аниқлаш ёки баҳолаш учун маълум топшириқларни бажартиришни назарда тутади. Масалан, ҳарбий хизматчининг тезкор, ностандарт қарор қабул қила олишига ёрдам берадиган ижодий тафаккурини баҳолаш учун бир қарашда оддий кўринган топшириқлар берилади. Масалан берилган турли фигуralар (доира, тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, учбурчак, овал, ромб ва



#### 1-расм. Ҳозирги даврдаги тест турлари.

х.к) шаклидан ўзи истаган бирор бир чизма-расм тайёрлаш, талаб этилади. Бунда топшириқлар ижросининг натижаси сифатли бўлиши учун белгиланган вақт ичида бажарилишига аҳамият бериш зарур. Белгиланган вақт ичида бажариш суръатига қараб, чизма-расмларнинг такрорланмаслиги, яъни, ўзига хослигини ва синалевчининг ижодкорлигини инобатга олиб, ҳарбий хизматчининг фикрлаш жараёни қанчалик ижодий ва креактивлигига баҳо бериш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб миқдорий кўрсаткич ҳам аниқланади.

Тестнинг топшириқ шаклли усулининг афзаллиги қўйидагича:  
турли ёш, жинс ва эгаллаган мутахассислигига нисбатан қўллашнинг мумкинлиги;  
бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги ва ҳоказо.

Баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки қалитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни соҳталашибди мумкинлиги каби камчиликлари ҳам мавжуд [2].

Биринчи жаҳон уруши вақтида психодиагностика инструментарийсининг ривожланиши тезлашди. П. Фресснинг фикрича, «тестларни яратишга» асос солинди. Америкада Бош Комитет томонидан армияда психологик тадқиқотлар олиб борилган. Унга Дж. Кеттелл, Г. Стенли, Холл, Торндайк каби етакчи психологлар жалб этилди. Ушбу даврда иккита-В-тестлар ва А-тестлардан фойдаланила бошланди. Армиядаги аскарлардан 1726 000 нафари тест синовларидан ўтказилди. Улардан 500 000 нафари саводсиз, 8000 нафари эса ақлий заифлар сифатида армия сафидан чиқарилди, 20 000 нафари эса махсус бўлинмаларга хизматга йўналтирилди [3].

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, “American Psychologist” журналини бундан қирқ йил олдин (1981.10) ги сони тестлаштиришга ва унга ҳавф солувчи мойилликка бағишиланган. Шахс хусусиятларини диагностика қилиш учун анчагина янги сўровномалар ишлаб чиқилган бўлиб, улардаги савол-жавоблар онгли ёки онгизз равишда сохталаштирилиши мумкин, деган фикр текширувчиларни хавотирга соларди. Натижада, валидлик ҳар бир диагностик усулининг, айниқса проектив методикаларнинг нозик қирраси сифатида ажралиб чиқади [4].

Тест методининг бир кўриниши бўлмиш проектив тестларда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топширифи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган, бирор бир аниқ мазмун, моҳиятга, кўринишга эга бўлмаган воқеа, ҳодисалар ёки нарса, буюмлар берилиши мумкин. Уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқарashi нуқтаи назаридан баҳо беради, муносабат билдиради.

*Проектив усуллар* (лат. projectio –олдиндан аниқлаш, олдинга отиш) - шахсни ўрганишга қаратилган ва проектив диагностик ёндашуви доирасида ишлаб чиқилган усуллар жамланмасидир [5].

Турли психологик усуллар билан, айниқса, биз сўз юритаётган проектив усуллар ёрдамида ҳарбий-касбий хусусиятларни ўрганиш ҳарбий психолог фаолиятида психодиагностик хulosалар чиқаришида катта амалий ёрдам беради.

Ҳарбий-касбий хусусиятлар одатда, тўртта гуруҳга ажратиб кўрсатилади:  
ҳарбий мутахассиснинг умумий сифатлари;  
ахлоқий-жанговар сифатлар;  
ҳарбий-ихтисослик сифатлар;  
хизмат-вазифавий сифатлар [6].

Ўз навбатида кўрсатиб ўтилган сифатларни аниқлашда, яъни психодиагностика қилишда мавжуд стандарт тестлардан фойдаланиш билан бир қаторда проектив методикаларнинг ҳам қўлланилиши кўпроқ самара беради. Тест орқали инсон аниқ маълум нарсаларга жавоб берадиган бўлса, проектив методикалар – яратувчилик асосига қурилади ва улар ҳарбий хизматчи шахсининг ички хис-туйғулари ва кечинмаларини тўлароқ очиб беради. Энг асосийси, бунда ҳарбий хизматчи ўзида нима текширилаётганлиги ва унинг натижаси қандай бўлишини билмайди. Бу билан ҳарбий хизматчи ички кечинмаларининг хеч қандай тўсиқсиз ошкор этилишига эришиш мумкин. Проектив тестларнинг юқори натижа бериши туфайли энг муҳим соҳаларга номзодларни танлаб олишда, ёш ҳарбий хизматчилар фикрларини аниқлашда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Герман Роршах (Швейцариялик психиатр ва психолог)нинг “Сиёҳ доғлари” тестини (1921 й.) проектив усулларнинг энг машҳури дейишимиз мумкин. Ушбу проектив тест 10 хил икки томонлама симметрик шаклда берилган доғлардан иборат бўлиб, улар ҳар хил ранглар фонида кўрсатилади. Бунда ҳар бир “доғ” синалувчига нималарни эслатаётганлигини айтиб бериш сўралади. Унинг айтаётган сўзларидан ва фикридан, ассоциацияларга қараб, албатта аниқ таҳлил қилиб (мутахассиснинг амалий тажрибаси бу ерда жуда муҳим саналади), шахс хусусиятлари ҳақида баъзи бир хulosаларга келиш мумкин.

Яна бир машҳур проектив тестлардан бири – бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулидир. Ушбу усулда инсон ҳаётида тез-тез учраб турадиган зиддиятли

вазиятлар акс этган расмлар тақдим қилинади. С. Розенцвейг тестини барча турдаги ҳарбий хизматчилар, ҳарбий жамоаларда синаш мүмкін. Бу усулда маълум бир фото-расмлар синалувчига тақдим этилади. Расм қаҳрамонлари нималарни дир тушунтираётган ва гапираётган ҳолатлари гавдалантирилған, қарши томондаги шахс эса ҳали унга “жавоб қайтариш”га улгурмаган, лекин, тайёр турған ҳолати (расм орқали) күрсатилған. Ушбу вазиятда синалувчидан тез, қисқа муддат ичида қарши “берилиши мүмкін бўлган жавоб”ни ёзиш сўралади. Қарши берилған жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг низо ва зиддиятларга муносабати, агрессия – жаҳолат, жаҳлдорлик реакцияларининг шахсга хос хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилғанлиги ва шунга ўхшаш муҳим бўлган фактларни тўплаш мүмкін бўлади.

Машхур психолог олим Л. Франк барча проектив тестлар тўғрисидаги назарий ва амалий маълумотларни ўзлашиб, уларнинг янгича классификациясини яратди [7]. Унинг фикрича ҳар бир турдаги проектив тест алоҳида мазмун касб этиб, ўзига хос таҳлилни талаб этади. Методикаларни гурухларга бўлиш тадқиқот натижаларини, таҳлилини осонлаштиради ва тадқиқотчига қўлайлик яратади. Олим қўйидаги классификацияни яратган:

- конституциявий (тузилишига кўра) усуллар;
- конструктив усуллар;
- интерпритацион усуллар;
- катартистик усуллар;
- рефрактив усуллар;
- экспрессив усуллар;
- импрессив усуллар;
- аддитив усуллар [8].


### **МУҲОКАМА**

Юқоридаги тестларнинг ҳар бирига алоҳида проектив усуллар мос бўлиб, улар турлича мазмун, моҳиятга эга.

Конституциявий характерли проектив тестлар [9] қаторига Герман Роршахнинг “Сиёҳ доғлари” проектив тестини ҳамда “Тугалланмаган расмлар” тестларини киритишмиз мүмкін. Уларнинг ўтказилиш тартибиға кўра турли вазият (ситуация) ли структуралардан ташкил топган. Шу қаторда тадқиқотчи Варттегнинг “Тугалланмаган расмлар” тести ўтказилиш кетма-кетлигига кўра ҳар хил вазияти тузилишга эга бўлиб, берилған топшириқлар орқали шахснинг ижтимоий муносабатларга киришимлилиги, ўзига хослигини, шахс ички дунёсида кечеётган жараёнлар, характеристи, ҳиссиётлари мазмунини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу услубда алоҳида саволлар мавжуд бўлиб, у текширилувчиларни тестга тез йўналтириш хусусиятига эга.

Конструктив характердаги проектив тестлар (Мира тести, Саҳна тестлари) [9] инсонлар ва ҳайвонлар фигуralари, моделлари орқали шахс хусусиятларини таҳлил этади. Бунда расмлар ва фигуralар сурат-миниатюралар шаклида ҳам ифодаланиши мүмкін. Тадқиқот ҳар бир ёшда алоҳида характер касб этади. Бу эса текширилувчиларнинг ижтимоий ҳимояланганини очиб беради. Масалан, инсон расми ва ҳайвон расми тестнинг кўпроқ конструктив характердаги проектив тестлар мазмунини ташкил этади. Методика таҳлилида ҳар бир фигуранинг қурилиш материали, мозаика моделлари ва саранжомлик (ўз ўрнидалиги) хисобга олинади.

Интерпритацион характердаги проектив тестлар [9] туркумига ТАТ (тематик апперцепция тести) мисол бўлиб, бунда масала ва топшириқлар кўргазмали тарзда ифодаланади. Методика инсондаги қизиқишлар, ҳиссий кечинмалар, шу билан бирга, ички имконият ва яширин мақсадларни аниқлайди. Г. Меррей ва Морганлар унинг муаллифи ҳисобланади. У Меррей яратган шахс назариясига асосланади. Яъни, эҳтиёжлар шахснинг хулқ-авторини, тасаввурларини, билиш жараёнларини йўналтиради ва ташкиллаштиради, деган тамойилга асосланади. Меррей бунда барча эҳтиёжларни “психодинамик кутилмалар”, деб атайди ҳамда уларни витал ва психоген турларга ажратади (2-расм).



**2-расм. Витал ва психоген эҳтиёжларнинг турларга бўлиниши.**

Витал эҳтиёжларни сув ва ҳавога, психоген эҳтиёжларни эса билиш, санъат, севги кабиларга ажратди. Методикада 20 та эҳтиёж кўлланилса-да, аммо фақатгина 4 таси фарқланади.

Меррей фикрича методикадаги расмларни текширилувчилар икки хил изоҳладилар. Мавхумлик акс этган расмларни ўз ҳаётий тажрибалари орқали бажарадилар. Эркак ва аёлларга берилаётган топшириқлар алоҳида- алоҳида бўлиши ҳам тест қоидаларидан бири саналади. Чунки жинсий характердаги тафовут расм гурухларида алоҳида мазмун касб этади.

Катартистик мазмунли проектив тестлар [9] га ўйин фаолияти билан белгиланадиган тестлар киради. Бунга “Психодрама”, “Ихтиёрий театр саҳнаси”, “Терапевтик чиқишилар” каби усуллар мисол бўла олади. Бунда шахслардаги низолар, бошқа инсонлар билан бўладиган муносабатлар кўриниши ўйин пайтида очик-ойдин амалга оширилади. Бу техника инсонлар турли вазиятларда ўз ҳолатидан келиб чиқиб йўл тутишига ёрдам беради. Бу психотерапияда кўп қўлланиладиган ва шахсни тарбиялайдиган восита ҳисобланади. Роллар кулгили ёки салбий бўлсин, шахс типига мос равишда ижро этилади. Бунда шахснинг фантазияси ҳам ҳисобга олинади.

Рефрактив тестлар [9] воситасида шахснинг ўзига хос яширин мотивлари ўрганилади. Бунда тасодифий ўзгаришлар орқали, масалан умумэътироф этилган коммуникацияга киритиладиган нутқ, ҳусниҳат кабилардан фойдаланилади. Рефрактив характерли проектив тестлар тезкор маълумот олишни ифодалайди, бу нейролингвистик дастурлашда (НЛД), графология инсоннинг ёзувига қараб унинг шахс хусусиятларини таҳлил этади. Бундан ташқари, жиноят турини аниқлашда ёки бўлмаса, давлат аҳамиятига молик расмий хужжатлардаги ўзбошимчалик ва қонунбузарлик ҳолатларини очища, мансабдор шахслар

ёки давлат хизматчилари қўйган имзоларни аниқлашда экспрессив усул қўл келиши тадқиқотларда таъкидланган.

Экспрессив таҳлил [9]. Экспрессив проектив методикаларга “Уй. Дараҳт. Инсон.” методикасини киритиш мумкин. Методика Дж. Морган томонидан 1948 йилда яратилган. У катталар билан болалаларни ўрганиш учун ҳам қулай саналади. Моҳиятига қўра тест қўйидаги мазмунни ифодалайди. Тестни қўллашда текшириувчига йўриқнома берилиб, ҳар бир вазифадан сўнг у билан сұхбат ўтказилади. Сұхбат уларнинг нима учун бу вазифаларни танлаганлари тўғрисида маълумотни ойдинлаштиради.

Импресив тур [9] дагида эса текширувчиларнинг ҳоҳиши ва интилишлари ҳисобга олиниб, уларни таъминлаш талаб этилади. Бундай тестларга Люшернинг “Ранг тести” мисол бўлиши мумкин. Тестда барча ранглар ҳисобга олинган бўлиб, улардан 8 та ранг методикада фойдаланилган. Ушбу ранглар орқали инсонда қўрқув, аффект, ички дунёсининг сирларини очиш, низоли вазиятга мойиллик, эмоционал қиёфа каби психологик масалалар ўрганилади. Люшернинг “Ранг тестлари” XX аср бошлари ва охирги ўн йиллигига тиббиёт психологияси ва психотерапияда клиник жиҳатдан кенг тадбиқ этилган.

Люшер тестининг кейинги модификацияларида 70 хил турдаги расмлар характеристи ҳисобга олиниб, у ҳам инсонни комплекс тадқиқ қила олган. Люшер методикани яратиш пайтида рангларни танлашда, биринчи уринда уларнинг функцияларини ҳисобга олади. Люшер фикрича инсондаги субъективлик кўпроқ ранглар билан юзага чикади.


Тадқиқотчилар фикрича ушбу методика психодиагностикада ўз ўрнига эга бўлиб, инсондаги бир қанча хусусиятларни ўрганишга, психолог мутахасси учун маълумотлар тўплашда катта ёрдам беради (З-расм).

Аддитив характеристи проектив методика [9] лар алоҳида мазмунга эга бўлиб, унга тугалланмаган сўзлар методикаси мисол бўлади. Методика психологик коррекцияга қўра тарбияли характеристи касб этади. Бу инсондаги мотивлар ва унинг шахс камолотига таъсирини очиб берувчи методикадир. Тугалланмаган сўзлар тестлари ўтказилиш техникасига қўра турли вазиятли структуралардан иборат.

Ушбу методикада 60 та тугалланмаган сўзлар келтирилган бўлиб, улар 15 та гуруҳга ажратилган. Методика саволлари орқали шахснинг оиласий муносабатлардаги хулқатвори, ўз-ўзидағи қарама-қаршилик чегараси, жинсий характеристер хусусиятлари, қўрқув ва ҳиссий бузилишлар, келажакдаги ва бугунги кундаги орзу-истаклари, ота-онаси билан муносабати, шу билан бирга яқинлари билан муносабатлари мазмuni аниқланади. Тест ўтказишида алоҳида анкета мавжуд бўлиб, у текшириувчиларни тестга тез йўналтириш хусусиятига эга.

Проектив методикаларнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, бу методика орқали ҳарбий хизматчи шахсидаги ички туйғуларнинг очилмаган қирраларини аниқлаш ва янада муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, кенг тарқалган “Мавжуд бўлмаган ҳайвон тести” проектив методикаси ёрдамида ҳарбий хизматчиларнинг эмоционал ҳолати, уларнинг ўтмиши ва келажаги тўғрисидаги қарашлари, бошқаларга нисбатан муносабати, агрессияга мойиллиги, эгоцентризм даражаси ва бошқа кўплаб хислатлари тўғрисида билиб олиш мумкин, деб ҳисблаймиз.

Турли хил касалликларнинг инсонга таъсири,  
соматик ва психосоматик белгиларини аниқлашда



### 3-расм. Люшер методикасининг инсон хусусиятларни ўрганишдаги ўзига хослиги. ХУЛОСА

Умуман олганда, ҳарбий хизматчиларни психодиагностик жиҳатдан ўрганишда ҳарбий ихтисослик талабларига қатъий риоя этиш лозим бўлади. Мехнат психологиясида уни “ихтисослик паспорти” дейишади. “Паспорт”да мутахассис билиши ва амал қилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар аниқ кўрсатиб ўтилган. Ҳарбийликка саралаб олишда ўзига хос тартиб асосида танлов ўтказиш мақсадга мувофиқ (4-расм).



4-расм. Ҳарбийликка танлов ўтказиш қўйидаги тартиби.

Шу сабабли, ҳарбий психолог фаолиятини самарали ташкил этишда психодиагностика, жумладан ҳарбий психодиагностиканинг ютуқларидан ҳарбийликка

танлов ўтказишида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий хизматчилар билан психодиагностик ишларни ташкил этишида, уларнинг ҳарбий-касбий хусусиятларни аниқлашда проектив тестлар катта ёрдам беради. Айниқса, ҳарбий мутахассиснинг умумий сифатларини аниқлашда, хуласалар беришда, ахлоқий-жанговар сифатларини аниқлашда, ҳарбий-ихтисослик сифатлари топиш ва уларни тўғри йўналтиришда ҳамда хизмат-вазифавий сифатларни оширишда бу услублар асқотади.

### REFERENCES

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Тошкент.: Давлат илмий нашриёти, 2000-2005. Т ҳарфи.
2. Каримова, В.М. Психология. Ўқув дастурлари, дарслерлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиши ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан бакалаврлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 27 бет.
3. Расулов, А.И. Психодиагностика. / Расулов.А.И. – Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2009. – 8 б.
4. “Психодиагностика ва экспериментал психология” фанидан ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қарши Давлат Университетининг педагогика институти Гуманитар фанлар кафедраси. – Шахрисабз.: “Университет”, 2021. – 27 б.
5. Бурлачук, Л.Ф. Словарь - справочник по психодиагностике / Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 528 с.
6. Самаров, Р.С. «Қуролли Кучлар тизимининг феминизациялашуви: ривожланишнинг ўзига хослиги ва ижтимоий механизми (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мисолида). Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Тошкент, 147 б.
7. Прошанский, Г.М. Классификация проективных методов. Проективная психология / Г.М. Прошанский. – М.: «ЭКСМО-Пресс», 2000. – С. 99-105.
8. Бурлачук, Л.Ф. Психодиагностика / Л.Ф.Бурлачук.- СПб.: Питер, 2002. - 352 с
9. Шляпникова, И.А. Проективные методы психодиагностики. Под редакцией Е.Л. Солдатовой / И.А. Шляпникова. – Челябинск: Издательство ЮУрГУ, 2005. – 18 с.